МУСТАҚИЛЛИК ЗАРВАРАҚЛАРИ

16 декабрь Ўзбекистон Президенти Туркия Республикасига расмий ташриф буюрди.
29 декабрь Ўзбекистон Республикаси референдуми бўлиб ўтди. Унда иштирок этган фуқароларнинг 98,2 фоизи Ўзбекистон Давлат мустақиллигини ёқлаб овоз берди.
1991 йил

31 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Олий аттестация комиссияси ташкил этилди.
11-14 апрель Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигидаги давлат делегацияси Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди.
1992 йил

31 август Ўзбекистон пойтахтида Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ҳайкали очилди.
6 сентябрь Халқаро банклар конференцияси бўлиб ўтди.
1993 йил

1 июль Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги Фармони амал қила бошлади.
28 сентябрь Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Халқаро анжумани ўтказилди.
1994 йил

29 июнь Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.
16 август Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгашининг биринчи мажлиси бўлди.
1995 йил

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 8 август, пайшанба № 101 (22.022).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сизни Оқ уйда кутиб олиш ва Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик чуқурлашаётганини тасдиқлаш мен учун шарафли иш бўлди. Мамлакатларимиз манфаатларига тааллуқли бўлган айрим муҳим масалалар бўйича суҳбатимиз ҳам менга алоҳида мамнуният бахш этди. Бинобарин, мен Сизнинг Ғарб билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга доир фаолиятингизда ҳар доим ёрдамга тайёрман.

Камоли эҳтиром ила,

Билл КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ҲАМКОРЛИККА ЧЕГАРА ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил июнь ойида уммон ортига қилган сафари энг сермазмун ва самарали расмий ташрифлар қаторида туради. Юртбошимиз Америка Қўшма Штатларининг турли минтақаларида бўлар экан, имкони борича кўпроқ ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан мулоқот қилишга, уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Натижа эса яққол кўзга ташланмоқда: «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси ва «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида таъсис шартномаси имзоланди. Худди шу корпорация билан «Энрон Ойл энд Газ Интернейшнл» ўртасида газ конларини разведка қилиш ва ишга тушириш бўйича қўшма корхона тузиш тўғрисида шартномаларга қўл қўйилди. Шунингдек, «Газмоторс» ва «Газкомпрессор» қўшма корхоналари, «Ўзавтотранс» ҳамда республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналари билан биргаликда ишлайдиган қўшма корхоналар ана шу сафарнинг меваларидир.

Юртбошимиз Америка сафарига борганларида «Биз Америка капиталининг Ўзбекистонга кенг кўламда кириб келишидан миннатдормиз» деган эдилар. Мана куни кеча олис Америкадан мамлакатимиз Президентига мактуб келди. АҚШ Президенти Билл Клинтон Ўзбекистон билан ҳамкорлик чуқурлашаётганлиги шарафли иш эканлигини таъкидлади. Ҳеч шубҳа йўққи, дунёнинг ривожланган мамлакатлари даврасидан ўрин олишга интилаётган жонажон Ўзбекистонимиз бу йўлда улкан муваффақиятлар соҳиби бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум этилганларнинг қуйидаги тоифаси озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинсин:

а) Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобиль атом электростанциясидаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар ва вояга етмаганлар;

в) ёши 60 дан ошган эркаклар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят қилгани учун ўн йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Фармон кучга киргунига қадар содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлари тугатилсин:

а) 1-моддада санаб ўтилган ва Фармоннинг 7-моддаси таъсирига тушмайдиган шахсларга нисбатан;

б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан.

6. Мазкур Фармонга асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг қуйидаги тоифаси учун жазо муддатининг ўталмаган қисми қисқартирилсин:

а) биринчи марта қасддан қилган жинояти учун беш йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир қилган шахсларга белгиланган жазо муддатининг ярми;

б) қасддан қилган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга белгиланган жазо муддатининг тўртдан бир қисми.

7. Фармоннинг 1-5-моддалари ўта оғир жиноятлар учун (Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «А» бандида кўрсатилган жиноятларни содир қилганлар бундан мустасно), жиноий уюшмалар таркибидаги жиноятлари учун, ўқотар қуроллар ва гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш (сотиш) билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек, жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Фармоннинг 6-моддаси жазо ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмасин.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 7 август.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА АГРОКИМЁ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш. чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳамда минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларига агрокимё хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ва қийматини пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзагрокимёсервис» уюшмаларининг:

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси таркибида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ўзагрокимёсервис» давлат-акционерлик уюшмаси негизида «Ўзагрокимётаъминот» давлат-акционерлик бирлашмасини тузиш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида ўсимликларни ҳимоя қилиш республика станцияси негизида ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларини шартнома асосида минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг, уларнинг ўсишини жадаллаштириш ва тартибга солиб боришнинг кимёвий воситалари, тупроқ мелиорантлари, озиқли қўшимчалар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар билан таъминлаш, тармоқ саноат корхоналари билан қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш ишларини амалга ошириш «Ўзагрокимётаъминот» бирлашмасининг;

ўсимликларнинг касалликлари ва зараркунандаларини кузатиш, ўрганиш ҳамда прогнозлаш, қишлоқ хўжалигини ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадбирлар соҳасида услубий таъминлаш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва аҳолига ўсимликларни кимёвий ҳамда биологик ҳимоя қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш, ерларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, республикада чигирткага қарши курашиш .тадбирларини амалга ошириш — ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар республика марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

3. «Ўзагрокимётаъминот» давлат-акционерлик бирлашмаси ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган сони 21, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар республика маркази аппаратиники 16 нафардан иборат қилиб белгилансин.

«Ўзагрокимётаъминот» бирлашмаси раиси лавозимига кўра «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар республика марказининг бош директори эса Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари ҳисобланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

«Ўзкимёсаноат» уюшмасига «Ўзагрокимётаъминот» давлат-акционерлик бирлашмаси таркибига кирувчи акционерлик жамиятлари ва бирлашмалари акцияларининг давлатга тегишли улушини бошқариш ҳуқуқини берсин;

Акцияларнинг давлатга тегишли улушидан олинадиган дивидендларни ишлаб чиқаришни техника билан қайта таъминлаш, хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларига агрокимё хизмати кўрсатишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни маблағ билан мақсадли таъминлаш учун 1998 йилнинг 31 декабригача «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ихтиёрида қолдирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ушбу қарордан келиб чиқадиган ташкилий чора-тадбирларни бир ой муддатда тугалласинлар ҳамда қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш тизимини қайта ташкил этиш ва ривожлантириш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни қайта ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашсинлар.

6. «Ўзагрокимётаъминот» давлат-акционерлик бирлашмасининг ижро этувчи аппарати ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар республика марказининг бош директори Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчасидаги 62-уйга жойлаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 мартдаги 82-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 7 август.



Август — ҳосил тўпланда, кўсаклар сонини оширишда муҳим палла. Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — БЕТАКРОР ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

Тоталитар тузум занжирларини парча-парча этган собиқ Иттифоқ республикалари янги жамият қуриш учун, турли шакллардан фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда маълум маънода таваккалчилик, муайян усулларни тажриба қилиш қўлланилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон ўзининг бошқалардан фарқ қилувчи алоҳида йўлини танлаганлигини бутун дунё эътироф этмоқда. Шу маънода юртимизда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат кўп жиҳатлари билан бетакрор ижтимоий ҳодиса эканлиги таъкидланаётир. «Ўзбекистон овози» газетаси ана шу воқеликни ҳар жиҳатдан — сиёсий, иқтисодий, маънавий, ташқи сиёсат нуқтаи назардан таҳлил этувчи туркум мақолалар беришга қарор қилди. Газетамизнинг бугунги сони 2-саҳифасида сиёсатшунос олим Рустам Жумаевнинг мақоласи ана шу мақолаларнинг дастлабкисидир.

2-бет

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАРДА

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон ХДП водий вилоятлари кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалоловнинг «Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги маърузасини тингладилар.

Ўзбекистон ХДП Наманган, Андижон вилоятлари кенгашларининг биринчи котиблари: Н. Қозоқов, Р. Мухторов, Фарғона вилоят кенгаши иккинчи котиби Г. Маъруфова ва бошқалар ислоҳотлар йўлини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида маҳаллий ташкилотлар фаолиятини шу кун талаблари даражасига олиб чиқиш, партия Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини тарғиб ва тадбиқ этиш, ҳокимият, бошқарув идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик муаммолари хусусида фикр юритдилар.

Семинар иштирокчилари Фарғона шаҳридаги «Узсаламан» қўшма корхонаси, Марғилондаги «Йўрмадўз» маҳалласи ҳудудий, Қува қандолатчилик корхонаси бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибаси билан танишдилар. «Қувамебель» ҳиссадорлик жамияти дўкони, Марғилонда ташкил этилган ҳунармандлар ярмаркасида бўлдилар.

Семинар-кенгаш ишида Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Холматов қатнашди ва нутқ сўзлади. Тадбирда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — БЕТАКРОР ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

СИЁСИЙ ҲАЁТ ТАЛҚИНИ

Давлатчиликни, таъбир жоиз бўлса, улкан боққа қиёслаш мумкин. Бу ижтимоий ҳодиса — инсоният маданий тараққиётининг самараси бўлиб, бир бутун ҳолда олганда, унинг умумий муштарак жиҳатлари кўп. Лекин боғдаги ҳар бир дарахт, ҳар бир шох, ҳар битта япроқ бири иккинчисини такрорламагани каби, ҳар бир миллий давлат ҳам бетакрордир. Давлатчилик моҳиятини тушунишда давлатнинг у ёки бу жиҳатларини мутлақлаштирмасдан, ўзига хосликларини умумлаштирмасдан, балки, миллий давлатни бошқача эмас, айнан шундай давлат сифатида намоён қилиб турган таянч унсурлари нималардан иборат эканлигини тушунишга ҳаракат қилмоқ лозим.

Бундан беш йил муқаддам, парчаланган Иттифоқнинг барча республикалари «Қайси йўлдан кетиш керак?» деган савол билан юзма-юз қолганларида, кўпчилик раҳбарлар нажот —мустабид тузумни тўлалигича барбод қилишда, деб билдилар. Гўё «демократия», «ошкоралик» эълон қилинса, барча сиёсий кучларга (шу жумладан, ҳам ўнг, ҳам сўл, ҳам экстремист кучларга) сиёсий партия тузиш ҳамда ҳокимият учун курашишга рухсат берилса, иш бермай қолган тизимлардан ва бошқалардан воз кечилса бас, ҳамма муаммолар ҳал бўладигандек эди. Лекин ҳамма иш ният қилинганидек амалга ошиб кетаверса, қанийди.

Қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик заминида ҳал қилинмаган миллий муаммолар, ўз-ўзидан ривожланаётган, назорат қилиб бўлмайдиган миллатлараро муносабатлар заминида, иқтисодиёт ва ижтимоий инфраструктураларгина эмас, фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ҳам ривожланмаган заминда демократия дарахти бирданига япроқ ёзиб, гуллаб-яшнаб кетавермайди. Худди мана шу тушунча Президент И.А.Каримовнинг миллий давлатчилигимиз қурилишига асос бўлган, унинг тараққиёти ва бетакрорлигини белгилаб берган машҳур беш тамойил ҳақидаги таърифининг юзага келишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат зарурлиги ҳақида барча давлат раҳбарлари гапирарди, лекин ривожланган фуқаролик жамиятига эга бўлган ҳуқуқий давлат билан тоталитаризм ўртасида ўтилиши шарт бўлган узун иқтисодий ва сиёсий ўсиш, янгиланиш йўли мавжудлигини ҳамма ҳам тушунавермасди. Хўш, буни қандай қилиб ҳаётда қўллаш мумкин эди? Бизнингча, Ўзбекистон Республикасида бу борадаги энг самарали қадам — иқтисодий ва сиёсий плюрализмга мойиллик шароитини яратиш (энг аввало, ҳуқуқ доирасида), барқарорликка ва бозор ислоҳотларини босқичма-босқич ривожлантиришга интилиш, аввло, «ўрта синф» — мулкдорлар синфини шакллантириш учун шароитлар яратишдан иборат бўлди.

Табиийки, замонавий (модерн) лашаётган давлат учун ўтиш даврида, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда асосий бўлиб туюлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Яна, замонавийлашаётган бундай жамиятнинг ўтиш даврида энг муҳим тамойили сифатида қабул қилинган ижтимоий плюрализм (кўпфикрлилик) иқтисоднинг сиёсатдан устун туришини шарт қилиб қўяди. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, бу йўлда тўсиқ бўлиб турган механизмларни бирин-кетин олиб ташлашдангина иборат эмас, балки, янги-янги бозор муносабатлари механизмларини яратиш ва уларни бирин-кетин «тўла қувват билан» ишга қўшиш ҳамдир. Келажагини ўйлайдиган жамият ўз фуқароларини бозор тошларига бостириб қўймаслиги ҳам аён ҳақиқат. Шунинг учун ҳам, бозор муносабатларига ўтишда, «карахт ҳолатда олиб кириш» эмас, балки, бозор ислоҳотларининг ижтимоий йўналтирилганлиги бирмунча оғриқларсиз ва портлашларсиз вазиятни яратади, ўтиш даврида давлатнинг бозор устидан назорати эса жамиятдаги ва иқтисодиётдаги турфибсизликларга барҳам беради, барқарорликни таъминлайди. Фикримизча, худди мана шу тамойилларни амалга ошираётган миллий давлатчилигимиз хорижий таҳлилчиларни «ўзбек феномени» ҳақида қайта-қайта ўйлашга, бу ҳодисани ўрганишга, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишда айнан шу йўналишнинг тўғри ва зарур эканлигини тан олишга мажбур қилмоқда. Шу йилнинг июнь ойида Гарвард (АҚШ) университетида бўлиб ўтган «Ўзбекистон: мустақилликнинг беш йили» деб номланган халқаро илмий конференцияда биз бунга гувоҳ бўлдик. Қўшма Штатлардаги, Канада, Олмония, Австрия ва бошқа мамлакатлардаги етакчи сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар шуни қайд қилдиларки, турли хил алғов-далғов (катаклизм)лар, ижтимоий қарама-қаршиликлар, иқтисодий бўҳронлар туфайли ҳолдан тойган жамият бирданига барча демократик меъёр ва тамойилларни ўзлаштириб, мослашиб кетолмайди. Ислоҳотлар йўлида кутилаётган натижалар ҳадеганда қўлга киравермаслиги — энг «демократик» давлатларнинг оёғига «кишан» бўлиши турган гап. Бундай ҳолларда, ортга — тоталитаризм тузумига қайтиб кетиш ёки «демократик диктатура» (сиёсатда шунақа атама ҳам бор) ўрнатилиши ҳеч гап эмас.

Ўзбекистонда эса замонавийлашаётган жамиятнинг илк (анчайин бақувват!) нишоллари кўкка бўй чўзди. Бунинг яққол намуналаридан бири — фуқароларимиз шароитлари мустаҳкамланиб, тобора ўнгланиб бораётганлигидир. Узоқни ўйлаб амалга оширилаётган барқарорлик ва тараққиёт келгусида кенг демократия учун муҳим замин тайёрлайди. Албатта, замонавийлашаётган жамиятда иқтисодий нотенглик бирданига йўқолиб кета қолмайди. Лекин шаҳдам иқтисодий тикланиш, бозор ўзгаришларида янги ва нисбатан ҳаракатчан стратификация (табақаланув) эски синфлар ва мавқеларнинг барчасига тенг таъсир кўрсатади. Шу жараёнда тенгсизликнинг аньанавий кўринишлари барҳам топади. Ишлаб чиқариш шароитларининг ўзгариши, информация ва илмий технологияларнинг пайдо бўлиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, юқорида тилга олинган жараёнлар билан биргаликда «ўрта синф жамияти»ни жонлантириб юборади.

Ва ниҳоят кучли давлатчиликнинг муҳим қирралари — миллий гурур ва ватанпарварлик туйғулари ҳақида икки оғиз сўз. Биз — бу табаррук тупроқда минг йиллардан буён яшаётган халқмиз. Мовароуннаҳр ҳудудидаги халқ давлатчилигининг тарихи ҳам минг йиллар билан ўлчанади. Бу халқ ўз тарихида гуллаб-яшнаган даврларни ҳам, тушкунлик замонларини ҳам бошдан кечирди. Бу тарихни Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шайбонийлар давлатчилик тажрибалари гавҳардай безаб турибди. Лекин ҳамма вақт мустақилликка бўлган интилиш, мана шу табаррук заминга бўлган меҳру муҳаббат, бой ўтмиш ва маданиятдан фахрланиш туйғулари охир оқибатда ғолиб чиқаверди. Бизга, мустақил Ўзбекистонимиз фуқароларига, улкан шараф ва улуғ масъулиятли бурч насиб этди, бу — мустақил давлатимизнинг беқиёс анаъаналарини эҳтиётлаб тиклаш, ўрганиш, шу асосда янги, ижтимоий воқелик — замонавий Ўзбекистон давлатини қадамба-қадам шакллантириб боришдан иборат вазифадир. Барча фуқаролари тенг ҳуқуқли ва эркин бўлган, келажаги буюк, тинч ва барқарор, фаровон ва обод давлат қуриш ғояси — Ўзбекистон Республикаси сиёсий тузумида бош омил бўлибгина қолмай, мустақил давлатимизнинг бошқа давлатлардан ўзгачалигини кўрсатаб турувчи бетакрор белги ҳамдир.

Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси сиёсатшунослик ва ташқи сиёсий фаолият кафедрасининг мудири.



ХОНАДОН ФАЙЗИДИР ИПАКЛИ ГИЛАМ.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

ЗУЛФЛАРИ

Нақл қилишларича, қадимда табобат рамзи косага заҳрини тўкаётган илон эмас, балки ёниб турган шам бўлган экан. Гап фақат рамзда ҳам эмас. Эл-юрт учун ёниб яшаш улуғ аъмолга айланган айни кунларда тиббиёт ходимларининг ҳам юмушлари кўп. «Ҳамшира-96» республика учинчи кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаб, хорижга бориш учун махсус йўлланма олган қашқадарёлик ҳамшира Зулфия Равшанова буни юракдан ҳис қилади.

Тириклик борки, хасталик қўланкадек эргашгани-эргашган. Бошқаларни билмадиму, мабодо касалхонага йўлим тушса, эзгу ҳислар чулғайверади. Зулфия ишлаётган вилоят сил касалликлари шифохонаси ҳовлисига кирганимда, нохуш кайфиятдан қутилаётганимни сездим. Негаки, оғир дардга чалинган беморлар даволанаётган шифохона ҳовлиси гўёки бир ўрмон эди. Шифохонага кўп хизмати синган, ҳар бир дарахтни экиб ўстиришнинг бошида турган, хатто фахрли «агроном» деган ҳурматга сазовор шифохона бош ҳакими ўринбосари Толиб ака Турдиев мамнунлигини яширмайди:

— Зулфия қизимизнинг тажрибасини ўрганса арзийди. Шу баҳонада шифохонамиз билан танишасиз. Маълумки, сил—ниҳоятда оғир дард. Айрим ҳолларда йиллаб даволаниш, шифокорлар назоратида бўлишга тўғри келади. Шифохонамизнинг Китоб туманида жойлашгани бежиз эмас. Силга чалинган беморлар учун тоза ҳаво жуда фойдали. Тоғдаги Паландара қишлоғидаги катталар ва болалар санаторийларида беморлар саломатлигини янада мустаҳкамлайдилар. Айни пайтда шифохонамиз 475 ўринга эга. Ўнта бўлим бор. Бемор болалар шу жойдаги мактабда ўқишни давом эттиришади. Кейинги пайтда дори-дармон тақчил, ажратилаётган маблағ талабни қондирмайди. Бу қийинчиликларни енгишга ҳаракат қиляпмиз.

ЯРАШГАН

— Зулфия анестезист, яъни беморни оғриқсизлантирувчи ҳамширагина эмас, — дейди у ишлаётган реанимация — ҳаётга қайтариш бўлими мудири Амир Ёдгоров. — У ҳамма юмушни—қон, дармон қуйишни, жарроҳга ёрдамлашишни маҳорат ила бажара олади. Эсимда, ўпка қисилиб, юрак фаолияти сусайиб кетган, очиғи ўлимга юз тутган бир беморни сақлаб қолиш учун беш кун курашганмиз. Ўшанда Зулфиянинг чеккан заҳматини кўрсангиз эди... Айта оламанки, беморнинг оёққа туриши, соғайиб кетишида ҳамширанинг хизмати тенгсиз. Мен Наманганда ўтган республика кўрик-танловининг гувоҳи бўлдим. Энг қаттиққўл ҳакамлар ҳам Зулфиянинг малакаси, касб маҳоратига тан беришди. Менимча, унга ўхшаган ҳамшираларни тажрибаси шифохоналарда даволаш жараёнини янада яхшилашга бевосита хизмат қилади.

Реанимация бўлимида шифокорлар ниҳоятда жонсарак. Бу ерда ҳаёт билан ўлим рўбару келади. Биргина ўтган йил оғир аҳволда келтирилган 271 бемордан 250 нафарининг ҳаётини сақлаб қолишибди. Беш ой ичида 80 бемордан 75 нафари ҳаётга қайтган... Ниҳоят, қўли бушаган Зулфия Равшанова билан суҳбатлашдик.

— Саксон саккизинчи йили Шаҳрисабз тиббиёт билим юртини тугатиб келганимда, айримлар бошқа шифохонада ишлашни маслаҳат беришган эди, — дейди у сочларини енгил ҳаракат ила тузатиб қўяркан. — Чунки сил касаллигини юқтириб олишдан чўчийдиганларни тушунса бўлади. Онам Холиса Равшанова кўп йилдан буён шу шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Устозим, иш ўргатувчим, дада берувчим онам бўлганлар. Аввало жарроҳлик, даволаш бўлимларида ишладим. Тўқсон биринчи йилда реанимация бўлимига ўтказишди. Турсуной Каримова, Мақсуда Ражабова каби тажрибали ҳамширалар билмаганимни ўргатишган. Биринчи ўринни наманганлик ҳамшира Ҳабиба Эгамбердиева эгаллади. Арзийди, билимдон ҳамшира экан. Иккинчи ўрин ҳам — мени тарбиялаган жамоамиз учун шараф эканлигини тушунаман, албатта.

ЗУЛФИЯ

Зулфия табиатан камтар. Бўш вақтини бекор ўтказмайди. Нафис адабиёт, санъатга ихлос қўйган. Кўрикда зулфлари тўлганиб «Нозли қиз» рақсига тушганда, қаттиққўл ҳакамлар ўзига хос бу жозибани юқори баҳолашди. Санъатшунос таъбири билан айтганда, Зулфиянинг зулфлари ўзига ниҳоятда ярашган. Меҳрибон, оқила бу қизнинг шафқат ҳамшираси сифатидаги фазилатлари ҳаммасидан гўзал. Агар таъбир жоиз бўлса, гўзаллик — халоскорликдир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қимматли қоғозлар бозори

«АКЦИЯ ДЕГАНИ КОНИ ФОЙДА ЭКАН»

Жарқўрғон матлубот савдо бирлашмаси акция чиқарди-ю нафасини ростлай бошлади. Банкдан қарздор эди. Қарзини узди. Бирлашма раиси Ражаб Маматмуродовнинг айтишича, 5 миллион қарз-ҳаволадан халос бўлиб, тўқсон олтинчи йилнинг ўтган ойлари мобайнида ҳисобларига бир миллионга яқин маблағ қўйдилар.

Бирлашма 1995 йилда бир ярим миллион соф фойда билан чиқди. Бу пулнинг асосий қисми 170 ҳиссадорга дивиденд сифатида тақсимлаб берилди. Масалан, илгари мукофот, қўшимча иш ҳақи нималигини билмаган Мамат Норбоев, Йўлдош Кўчкинов деган дўкончилар ўзлари сотиб олган акцияларнинг ҳар бир сўмига бир сўмдан дивиденд олганларида қувончларидан бошлари осмонга етгандай бўлди.

— Акция дегани кони фойда экан, — дейди Йўлдош Кўчкинов. — Бирлашма фақат савдога қараб ўтиргани йўқ. Кунига 300 килограмм макарон ишлаб чиқарадиган цех, кийим-бош тикиш устахонаси ишлаб турибди. 40 гектар суғориладиган ерда мевали боғ, бошқа зироатлар ўстирилган. Чорвачилик хўжалигининг ишлари ёмон эмас.

— Келгуси йили биз пахта экамиз. Сабзавот етиштиришни кўпайтирамиз. Яна акция чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Дивиденд миқдорини 300-400 фоизга чиқариш мўлжалимиз бор, — дейди Маматмуродов.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз шундай халқмиз

ҚАЛОВИ ТОПИЛСА...

Икки йилдирки, пойтахтимиздаги «Фонд» фирмаси фаолияти билан журналист сифатида қизиқиб қолдим. Негаки, ким билан сўзлашсам шу фирма маҳсулоти ҳақида — улар чоп этган китоблар ҳақида гапиради. Бундан ташқари фирманинг «Новости экономики» газетасидаги хабар ва эълонларга ҳам кўзим тушди... ва қарабсизки, луғат бойлигим «ширинмия» деган сўз билан бойиди. Ростини айтсам, шу чоққача бу сўзни эшитмаганман — умуман, бу тўғрида ҳеч нима билмас эканман.

Маълум бўлишича, момоларимиз «ширинмия» деб ёки «чучукмия» деб номлаган бу кўп йиллик ўсимлик «қизилмия» ҳам дейиларкан ва сахароза, фруктоза, глюкоза ҳамда ошловчи моддаларга жуда бой бўларкан. Фирма ширинмиядан тайёрланган қатор маҳсулотларни ишлаб чиқариб, аҳолига манзур қилибди. Шу биргина ширинмиядан шунчалар маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин экан-у, биз шу вақтгача буни амалга оширмаганмиз. Нега? Фақат буюрилган ишни бажариб, ўз ақлинг, фаросатинг, билан иш кўрмагач шундай бўлиши табиий.

Истиқлол бизга ҳар тарафлама эркинлик берди. Фикрлаш эркини эса қанчадан-қанча ишбилармонларни кашф этди. «Фонд» фирмаси ўшаларнинг бири. У ширинмияни қайта ишлаб берадиган завод ҳам барпо этибди. Унинг илдизи поясидан неча-неча хил дорилар ишлаб чиқара бошлабди. Булар яллиғланиш, бод, бўғма, сил, чипқон, гуш каби касалликларни даволашда қўл келаркан.

«Фонд» фирмаси асосан қадим шарқ табобатида қўлланилиб, кейинчалик унутилиб кетишга маҳкум бўлган ширинмиядан дори-дармон тайёрлаш, Ўзбекистон фармокологиясидаги бу дориларга бўлган талабни қондириш билангина кифояланмай, бир қатор мамлакатларга уларни экспорт қилишга ҳам эришаётир. Ширинмия устида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу ўсимликдан олинган моддалардан ўт ўчиришда ҳам фойдаланиш мумкин экан.

Бундан ҳозирланган суюқлик яхши кўпик бераркан. Ширинмиянинг қандолатпазликда қанчалик фойда бериши устида иш олиб бораётган гуруҳнинг ҳисоб-китобига қараганда, ундан тайёрланган глицеризин чет эллардан қиммат баҳода харид қилинган шакардан кўра 170 бор ортиқ ширали бўлиб чиқяпти.

Демак, ширинпазларимиз бу глицеризиндан фойдалансалар маҳсулот нархини кўп даражада пасайтиришга эришиш мумкин. Фикрлаган кимса борки, шу эркин фикрлаши орқали муроди - мақсадига эришиши табиий. Халқимизда «Қалови топилса қор ёнар», деган нақл бор. Қаловини топибдими — қандини урсин.

Фирма фаолиятида ҳайрия ишларига катта аҳамият берилиши менга, айниқса, манзур бўлди.

«Фонд» раҳбарлари хайр-саховат ишларини Ватанимизнинг келажаги бўлган ёшларни чинакам маърифатли қилиб тарбиялаш масаласига қаратишган. Бунинг учун фирмада махсус маърифий шахобча ташкил этиб, хайрия ишларини бошқарувчи ходимлар пойтахт мактабларида йирик мутахассислар, жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, бизнесменлар билан учрашувлар ўтказишади.

Бундан бир йил бурун шу мактаб ўқувчилари фирма ташаббуси ва моддий қўллаб-қувватлаши билан қадимий шаҳар Самарқандга уч кунлик сафарга чиқдилар. То шу кунгача бу қадимий шаҳарни фақат ҳужжатли кинофильмлар ва рангли альбомлардангина билган ўқувчилар Самарқанднинг қадимги маҳобатли обидаларини ўз кўзлари билан кўришга мушарраф бўлдилар.

Фирманинг хайрия ишлари бу билан чекланмайди. Ногирон болалар руҳий касалликлар шифохонасида фирма ҳисобидан қўғирчоқ театри томошаларини намойиш қилишади. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари госпиталида ғалаба, мустақиллик байрамларини ўтказиш билан кифояланмай, Қариялар кунида таниқли санъаткорлар ижросида катта концерт ташкил этишади.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТАСВИР ВА ТАСАВВУР

СУРАТЛАР СЎЗЛАСИН

Ҳаётда бир-бирига ўхшаш чеҳралар ва ўхшаш овозлар кўп. Лекин бир-бирига айнан ўхшаш нигоҳларни учратиш мушкул. Улар ҳеч қачон бири иккинчисини такрорламайди. Бир дона япроқ турфа нигоҳлар оғушида турфа тасаввур уйғотиш, турфа ранг, турфа оҳангда товланиши мумкин. Тасаввур ва тасвир бир нуқтада бирлашгандагина чинакам мўъжиза рўй беради— дунё узра



ДУНЁ — суратлар яратилади.

Мусаввир нигоҳи. У бизга арзимас ва оддий бўлиб кўринган буюм ё бир ҳаракат қаърига тарих поғоналари ёки қисмат чизиқларини жойлашга қодирдир. Лекин минг афсуски, ўша суратларни тушуниш ва ҳис қилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган ноёб ҳодисадир.

Бундан 16 йил илгари Москвадаги Третьяков галереясида бўлган куним хотирамдан бир умр ўчмаса керак. Изғирин қиш кунлари эди. Тонг қоронғусида отланиб, бир неча соат навбат кутгач, ўша қутлуғ санъат даргоҳига кириш бахтига муяссар бўлганмиз. Суратларда сир кўп экан: улар унутилаёзган қувончларингни ёдга соларкан, тилингнинг учида турган сўзларга жон бағишларкан. Узлуксиз қадамлар зарбидан бир лаҳза тин ололмай, ейила бошлаган мармар зиналарга қараб беихтиёр ёқа ушлайсан ва айни пайтда шунча ҳайрат ва ҳаяжонларга шоҳид бўлаётган тирик расмларнинг бардошига тан берасан.

Хуллас, ўша куни ноёб суратларга маҳлиё бўлиб кеч кирганини пайқамабмиз. Бир маҳал ходимлар бизни музей ёпилиши кераклиги ҳақида огоҳлантиришди. Биз эса сўнгги қаватни томоша қилишга улгуролмай гуё дунёдаги жамики ранглар ошиён топган сирли манзилдан армон билан чиқиб кетдик. Шу воқеани ҳозир ҳам афсусланиб эслайман, негаки, вақт топиб қайта кириш имкони бўлмади, галереянинг сўнгги қавати менинг учун сирлигича қолиб кетди.

Республика санъат музейи ҳам пойтахтимиздаги энг кўркам ва ҳашаматли бинолардан бирига жойлашган. Унда бир-биридан гўзал асарлар мавжуд. Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Раҳим Аҳмедов, Баҳодир Жалолов чизган суратлардаги миллий руҳ ва манзаралар бутун дунёга кўз-кўз қилишга арзийди. Фақат бу даргоҳдаги зинапояларнинг оҳори ҳали тўкилмаган, хорижлик меҳмонларни ҳисобга олмасак, томошага келган тасвирий санъат шайдолари бармоқ билан санарли.

Бутун дунёни мафтун қилган Шарқ мумтоз миниатюраси анъаналари бугун ҳам давом этаяптими? Ўзбекистон рассомларининг аҳволи, кайфияти қанақа? Улар ижодида қандай янгилик ва ўзгаришлар содир бўлмоқда?

Шу ўй-хаёллар асносида республикамиздаги истеъдодли мусаввирлардан бири Темурғолиб Жамолиддинов ижоди билан танишар эканман, унинг мўйқаламидан бунёд бўлган суратлар силсиласида тасвир ва тасаввурнинг жонли қиёфасини, Шарқ миниатюра санъатининг дилбар намуналарини топгандек бўлдим. «Хамса»нинг Ҳусайн Бойқарога тақдим этилиши» деб номланган полотнода мусаввирнинг бадиий тафаккури ва маҳорати бутун бўй-басти билан намоён бўлганини дил-дилдан ҳис қилдим. Рассом «Мўйқалам ғазали», «Анор» картиналарида шоираларнинг руҳий ҳолати ва шеърнинг яратилиш жараёни — илҳом лаҳзаларини тасвирлаган бўлса, «Адолат тулпорин минган эр излаб», «Сен етим эмассан», «Менинг оилам», «Энатут» сингари бетакрор лавҳаларда кўнгилнинг кўз илғамас манзараларини жонлантиролган. Суратларга кўчган ҳайрат ва ҳаяжон менга ажиб бир тилсимот бўлиб кўринди. Темурғолиб Жамолиддиновнинг ўзи билан фикрлашмоқчи бўлдим. Мусаввирнинг кўзларидаги безовталик, овозидаги сокинлик ва хотиржамлик ҳайратимни янада оширди.





— Ўз ижодингизда аёл мавзуси, унинг ички ва ташқи қиёфасига кўпроқ мурожаат қилишингизнинг боиси нима?

— Билмадим. Нима бўлганда ҳам мен бу суратларни катта қизиқиш ва эзгу ният билан ишлаганман. Мен аёл тимсолида чинакам гўзаллик ва руҳий бойликни кўраман. Аёл изтироблари ва қувончларини мангу мавзу деб ҳисоблайман: бу мавзу кеча ҳам, бугун ҳам одамларни ўзига мафтун этган, келажакда ҳам шундай бўлиши аниқ. Шунинг учун ҳам кўпроқ аёл сиймосини яратишга ҳаракат қилган бўлсам керак.

— Сиз мумтоз шоирларимизнинг асарлари асосида ажойиб миниатюралар чизгансиз. Айниқса, «Лайли ва Мажнун» достонига ишланган сурат ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Шу жараён ўша асарларни мукаммал ўқиш, ҳис қилиш асносида юз берадими, ёки...

— Йўқ. Мен ўзимдаги бу ҳолатни сўз билан ифодалаб беролмайман. Шоирлар ҳам шеърларининг суратини чизиб беришолмайди-ку? Мен сўздаги суратни ўқийман ва уни қоғозда акс эттираман, холос. Бу ҳақда, яхшиси, мен эмас — суратлар сўзласин. Сиз эса уларни тинглашга ҳаракат қилиб кўринг. Масалан, сиз айтган «Лайли ва Мажнун» картинасини академик Азиз Қаюмов жуда зўр ҳикоя қилиб берган.

— Нима деб ўйлайсиз, ижодингизнинг энг қайноқ нуқтасини — чўққисини забт этолдингизми ёки бунга ҳали борми?

— Мен чўққини тушунмайман. Ижодий изланиш йўли узун бўлади. Ижодкор ҳамма мавзу ҳақида ўйлайди ва ҳамиша мўлжаллаган қайси асаримни ёзолдим ёки ёзолмадим деган саволга жавоб қидиради. Бирор асаримни ёзиб тугаллаган куним ўзимни жуда яхши ҳис қиламан. Қолган пайтларда...

— Автопортретингизни ҳам ишлаганмисиз?

— Жуда кўп ишлаганман.

— Замондошларимизнинг портретларини-чи?

— Фақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Солиҳ Умаровнинг портретини ишлаганман, холос. Дадам ҳар доим: «Солиҳни зиёрат қилиш Маккага бориб келиш билан баравар. Чунки у ўт ичидан омон чиққан одам» деб кўп уқтирардилар. Шу гап таъсиридами, урушдан ғолиб бўлиб қайтган жангчининг хотиржам ҳолатини жуда ҳафсала билан, катта иштиёқ билан ишлаганман. Шундан бошқа портрет ёзмаганман.

— Нега энди?

— Ким билади дейсиз. Худо юқтирмаса қийин, шекилли. Мана, ҳатто падари бузрукворимнинг портретларини ҳам охиригача тугатолмаяп[illegible]. Мен ҳар қандай санъат асарини бир неча йиллик тайёргарлик ва тажриба меваси деб тушунаман. Шу кунларда «Шоҳ ва гадо» деган сурат устида ишлаяпман. Гадонинг қўлида иккита бир хил бош суяги, чеҳрасида «Қайси бири шоҳники, қайси бири гадоники?» деган савол бор. У одамзотнинг ҳаммаси — ўткинчи, бир кунмас бир кун тупроққа айланади демоқчи. Шоҳ эса инсон ўзидан авлод қолдиради, шунинг учун ҳам у абадиятга дахлдор деган ғоя тарафдори. Етти йил умрим беҳуда ўтди, ҳеч нарса ёзолмадим. Ҳозир шу сурат устида ишлаяпман.

— Темурғолиб ака, масалан, шоир ёзган машқлари ўзига ёқмаса, уларни йиртиб ташлаш, ҳофиз ёқмаган қўшиғини куйламай қўйиши мумкин. Сиз-чи, сиз шундай пайтда қандай йўл тутасиз?

— Ишлаётган асарим мабодо ўзимга маъқул бўлмаса, жойида қолаверади, лекин мен уларни йиртмайман, йиртолмайман.

— Ижод нуқтаи назаридан сермаҳсул рассом бўлишингизга қарамай, негадир кўргазмаларингизни ташкил қилмаяпсиз...



— Ҳозир одамлар асосан телевизор билан овунишаяпти. Кинотеатрга боришмайди-ю, кўргазмага келишармиди! Лекин бир кунмас бир кун юртдошларимиз суратлар билан сўзлашишни ўрганадилар. Ишлаган расмларимиз ўз қадрига, муносиб мавқега эга бўлишига ишонаман. Балки ўшанда кўргазмаларимиз ҳам ташкил бўлар...

— Қандай санъат асарларига иштиёқингиз баландроқ?

— Шоирларни ҳурмат қиламан. Уларни инсоннинг қалб машаққатларини тушунганлари учун ҳам қадрлагим келади. Чунки истеъдод одамга фақат азобланиш учунгина берилмайди. Уни қадрлашни, улуғлашни, тақдирлашни ҳам билишимиз керак. Одамзот ўзига ўзи табиб. Ижодкор ижодкорни авайламас экан, бошқалар ҳеч қачон унинг қадрига етмайди, дардини тушунмайди.

— Сизнингча, ҳаётдаги энг мушкул савдо нима?

— Менимча, энг оғир изтироб руҳий қўрқувдир. Чунки руҳий қўрқувда яшаган инсон ўзини эркин ҳам, бахтиёр ҳам ҳисоблай олмайди.

Яна Темурғолиб Жамолиддинов яратган асарларга назар ташлайман. Суратлар билан сўзлашишга, уларни ўқишга ҳаракат қиламан. Турфа ранг, турфа оҳанг, турфа овоз, турфа нигоҳларга дуч келаман. Ҳар бир шакл мўъжиза майдонига айланади. Беихтиёр шу суратларнинг асл нусхаси қаерда ва қай ҳолда сақланаётган экан, деган ўйга бораман. Дарвоқе, XIX асрнинг иккинчи ярмида — ўз даврида Павел Михайлович Третьяков замондош рассомлар ишлаган суратларни сотиб олиш билан ижодкорларнинг меҳнатини тақдирлаб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллабгина қолмай катта галереяга асос солди ва бу даргоҳ бугунги кунда дунё тасвирий санъати хазинасининг ноёб мулкига айланди.

Минг шукрки, бугунги кунда озод юртимизнинг бойбадавлат кишилари кўп. Улар орасида ижодкор меҳнатини баҳолашни, суратлар мажмуасини бутун дунёга кўз-кўзлашни ихтиёр этган, қалбини нурли туйғулар чўлғаган ҳомийлар ҳам топилади, албатта. Мусаввир чеҳрасидаги ҳорғинлик ўрнини илҳом ва иштиёққа тўлдиришнинг савобига не етсин!..

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ПОКИСТОН ҚУРОЛ-ЯРОҒ СОТИБ ОЛМОҚДА

ДЕҲЛИ. Маълумки, Покистон ўзининг ядро қуролига эга бўлишга интилаётгани учун 1990 йил АҚШнинг ҳарбий-иқтисодий ёрдамидан маҳрум бўлган эди. АҚШнинг ҳарбий ёрдам дастурига ўтган йили сенатор Браун томонидан киритилган ўзгаришлардан кейин Покистон Америкадан қурол-яроғ сотиб олишни бошлади.

Покистон Мудофаа вазирлиги вакилларининг таъкидлашича, ҳозиргача сотиб олинган қурол-аслаҳалар 155-ММ, 198-ММ ўлчамли тўплар, қоронғида кўрувчи қурилмалар, Ф-16 бомбардимончи самолётлардан иборатдир.

СЕССИЯ БОШЛАНДИ

МЕХИКО. Америка минтақавий адлия қўмитасининг навбатдаги сессияси бошланди. Сессия кун тартибида Кубага қарши қонун ҳам жой олган.

Панамалик ҳуқуқшунос Ольмедо Санхур бу қонун юзасидан ўз фикрини билдириб, жумладан шундай деди: «Куба билан савдо-сотиқ олиб бораётган хорижий компанияларга қарши қаратилган мазкур қонун экстерриториал характерга эга, чунки у АҚШ ҳудудидан ташқарида содир бўлаётган воқеаларга таал-луқлидир».

ҚУРБОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Бихор вилоятида юзага келган кучли сув тошқини натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди. Бир ойдан буён давом этаётган ёғингарчилик туфайли табиий офат қурбонларининг сони 70 дан ошиб кетди.

Тинимсиз ёғингарчиликдан Ганга дарёсининг сатҳи кўтарилиб, Багмати ва Адхвара вилоятининг 6 миллион аҳоли яшаётган 18 туманини сув босди. Табиат инжиқликларига қарамай Ҳиндистон ҳукумати тезкор қутқариш, тиббий ёрдам, озиқ-овқат ва турар жой билан таъминлаш ишларини давом эттирмоқдалар.

ЭНГ ЮКСАК КЎРСАТКИЧ

АТЛАНТА. 1996 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари ташкилий қўмитаси эълон қилган маълумотларга қараганда, Атланта шаҳри томошабинлар сони бўйича ўзига хос рекорд ўрнатган: мусобақаларга жами 8 миллион 610 мингта чипта сотилган.

Аввалги рекорд Лос-Анжелес шаҳрига тегишли эди. 1984 йилги олимпиада мусобақаларини 3 миллион 21 минг киши кўрган.

Атланта шаҳри меҳмонлари Олимпия хиёбонини ҳам эътибордан четда қолдиришмади. Шу кунгача у ерга 5,3 миллион киши кирган.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТЛАР ЖАЗОГА ТОРТИЛМОҚДА

СЕУЛ. Жанубий Корея прокуратураси мамлакатнинг собиқ Президенти Чон Ду Хванни олий жазога, унинг издоши генарал Ро Дэ Уни эса умрининг охиригача қамоқ жазосига ҳукм қилишни талаб қиляпти.

Чон Ду Хван 1979 йилда давлат тўнтариши уюштириш ва 1980 йилда Кванжу шаҳридаги намойишни куч билан бостиришда айбланмоқда.



ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• АЛМАТИ. Усть-Каменогорск ва Зияновск шаҳарлари ўртасида қатновчи автобус ҳалокатга учраши натижасида беш киши ҳаётдан кўз юмди, йигирмадан ортиқ йўловчи жароҳатланди.

Қозоғистон фавқулодда ҳолатлар бўйича қўмитаси вакилларининг таъкидлашича, автобус тормозининг ишдан чиқиши ҳалокатга сабаб бўлган.

***

СОФИЯ. Жаҳон банки Болгарияга 30 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Банк мутахассисларининг таъкидлашича мазкур кредит «Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар ва иқтисодий барқарорлик дастури»ни амалга оширишнинг бошланғич даврида мамлакат ҳукуматига ёрдам кўрсатиш учун сарфланади.

***

ПЕКИН. ХХР пойтахтида халқаро геологик конгресс иш бошлади. Анжуман қатнашчилари илк бор Хитой бўйлаб бир неча йўналишда экспедициялар уюштириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Олимлар геологик таркиби ҳалигача фанга номълум бўлган Цинхай-Тибет тоғликлари, шунингдек, Янцзи дарёси бўйидаги уч дарада илмий тадқиқотлар олиб борадилар.

***

ОТТАВА. Юз мингдан ортиқ карибликлар яшаётган Торонто шаҳрининг катта байрамларидан бири бўлган Кариб маданияти фестивали ҳам қўпорувчиларнинг назаридан четда қолмади. Фестивал қатнашчиларининг шаҳар кўчаларидаги байрамона намойишида номаълум шахс томонидан отилган ўқ бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. Англиялик меҳмонлардан бири эса оғир яраланган.

ҚЎШИҚ САНЪАТИНИНГ МАЛИКАСИ

XX аср юлдузлари

Жаҳон эстрада шинавандалари Тина Тёнерни омадлар қанотида кўкка ўрлаган дея олмайди. Тина ўзи ҳам буни кўп бор тан олади. У илк марта саҳнага чиққанида уч ярим яшарлик қизалоқ эди. Ота-онаси Тинадаги истеъдодни ўшандаёқ англаб етишганди. Қизча мурғаккина тасаввуридаги эркин учаётган қушча ҳақида куйлаганди. Томошабинлар жимиб қолишди. У қўшиқ ва мусиқага мос хатти-ҳаракатлар билан рақс туша бошлади. Барибир ҳамма жим. У қўшиғини тугатди. Энди мухлислар бараварига: «Браво, Тина, браво!» дея олқишлай бошлашди. «Санъат оламига қандай кириб келгансиз?» дейишса, машҳур юлдуз ҳамон шу воқеани эсга олади.

Қўшиқчи учун саҳна ҳамиша очиқ. Лекин мухлислар қалбига йўл топишда ҳадеб яшил чироқ ёнавермайди.

Гарчи ўша илк чиқишдаёқ Тина «Рокнинг жажжи қора маликаси!» деган олқишга эришган бўлсаям, узоқ вақт ўз тингловчисини излади. Улғайган сари унинг мураккаб, қарама-қаршиликлар гирдобида ўтган шахсий ҳаёти бунга сабабчидир. Одатда, иқтидорли кишилар табиатан содда, кўнгилчанликка мойилроқ бўлишади. Бу соддалик баъзида уларнинг бошига кўпгина мушкулотларни солади.

Тина севги-муҳаббат куйида кўп изтироб чекди. Умр йўлдоши унинг саҳнага чиқишига қаршилик кўрсатган кезлар ҳам бўлди. Аёл учун севилишнинг ўзи катта бахт. Қўшиқ ва севгига лиммо-лим қалбига бехос тошлар отишди. Машҳур бўлишнинг яна бир сири, менимча, қарама-қаршиликларга қарши бора билишдир. Шунданми, қўшиқчи севги ҳақида эмас, кўпроқ изтиробни куйлай бошлади. У мухлислари қаршисида тураркан, кўтаринки кайфиятдаги залга қараб бироз довдираб қоларди. Тина ҳарчанд уринмасин, қувноқ қўшиқлар куйлашга ҳаракат қилмасин, кўзларида, қалб тубидаги аламли изтироблар акс этаверарди.

Йўқ, Тинани шўх-шовқинли мусиқа остида маъюс, йиғлоқи қўшиқлар айтди дейиш ноўрин бўлади. Рок аввало, саҳнада енгил ҳатти-ҳаракатлар билан куйлашни талаб қилади. Шинавандалар ҳам шунга кўникиб қолишганди. 1940-1950 йилларда рок бутун дунё санъат оламига шиддат билан кириб келаётган кезлар эди-да. Тина «давр қўшиқлари»дан бироз чекиниб, эстрада оламида ярқираган юлдузга айланди. Эҳтиросга бой қалби уни иккинчи бор севишга маҳкум этди. Тинанинг севгиси яна саробга айланиб қолди.

Миллионлаб мухлислар юрагини забт этган аёл ўз севгилиси қалбига йўл топа олмади. У аччиқ турмушдан воз кечди. Қисматига тан берди. Руҳан чўкмаса-да, ҳадеганда эстрададек тез ўзгарувчан, беқарор мухлисларини «қайтариб» олиши қийин кечди.

Яна саҳнага қайтди. Қайтди десак хато бўлару, у ҳечам қўшиқ куйлашни, куй басталашни бас қилмаган. Фақат бу сафар ўзининг таъбири билан айтганда: «Бутун борлиғим билан қайтдим, қўшиқ бағрига сингиб кетдим. Қалбим ҳам, таним ҳам қўшиқлар оғушидан ором-паноҳ топди...»

Узоқ йиллар рок жанрида кўпдан-кўп қўшиқлар куйлади. У кейинги йилларда бобхоб услубида ўзини синаб кўрди. Бу гал ҳам тингловчилар тезда уни «англаб» олишолмади. Бу жанрда руҳий кечинмалар асносида куйланади. Яна ўз «эшитувчисини» излай бошлади. Иродали аёл. Буюк қўшиқчи. Ҳамон ҳаёт қувончларини жўшиб куйлаётгандаям кўзларидаги ўша мунг «ялт» этиб кўриниб қолади.

Агар фалак гардиши айланиб, мен Тинадек матонатли аёл, жаҳон эстрада юлдузига рўпарў бўлишдек омадга муяссар бўлсам, шундай дердим: «Нега фақат изтироб! Жаҳон эстрада юлдузи бўлиш бахт эмасми?»

Жаҳон кино мухлислари ҳам Тина Тёнер яратган образларни эътироф этади. «Ғаройиб Макс» фильмида у бош ролни ижро этди. Актриса сифатидаги шон-шуҳратининг ошишида айнан шу образнинг ўрни бор, албатта.

Кинофильмларда куйлаган қўшиқлари, айниқса, «Тулпор» қўшиғи ўз даврида жуда машҳур бўлиб кетганди. От буюклик. Аёл эса буюкликка интилади. Тина кўпгина фильмларда от минади. Ҳатто қалтис, муракаб томошаларниям ўзи ижро этади. Бу унинг феълатворидаги довюракликдан бўлса керак.

Жаҳон эстрада юлдузлари либослардаям ўз услубига интилишади. Айниқса, хорижда қўшиқчилар ўз модельер, тикувчилари билан жиддий ишлайди. Тина ҳатто либослари учун конкурслар ўтказади. Бу ҳақда унинг алоҳида видеоклипи бор. Либослар коллекциясини яратган. Жуда хайрли иш. Ҳатто дунёнинг турли музейлари коллекциясига тез-тез мурожаат этишади. Бунда аввало, бетакрор истеъдодлар ўз қадрини топади, тарихда муҳрланиб қолади.

Тина Тёнер эстрада саҳнасида ярим асрдан ортиқ вақтдан буён ижод қилади. Бундай яъни «аср»лар тушунчаси билан боғлаб эътироф этиладиган қўшиқчилар унчалар кўп эмас.

«Саҳнага Тина Тёнерни таклиф этамиз!» Қўшиқчи одатий ҳолатига киради. Образ яратади шу туришида. Маъюс, лекин виқор билан қўшиқ айта бошлайди. Олқишлар, гуллар...

Тинанинг пойига ҳам гуллар поёндоз. Шунда у ҳақиқий маликага айланди. «Ҳеч кутмовдим бундай олқишни!» Ҳа, у минглаб марта саҳнага чиққан. Ҳар сафар ички бир ҳаяжон: «Ҳақиқий тингловчим бормикин саҳна ортида!» Қўшиқ тугади. «Браво, Тина, браво!» олқишлар бутун борлиқни зириллатади. Хаёлимда эса ўша жажжи қизалоқ.

Ҳа, назаримда, Тина яна беғубор қизалоққа айланди, энди катта саҳна сари маъсумгина қизча кириб келяпти... Шу кезда жаҳон эстрада юлдузи кўз ўнгида ҳам балки ўша болалик хотирасидаги илк «кириб келиш» дамлари «ялт» этиб ўтгандир...

Гуллар поёндози устидан у оҳиста юриб, олқишлар остида саҳнадан чиқиб кетяпти. Ҳақиқий маликалардек мағрур... Лекин барибир кўзларида ўша мунг!

Ҳа, жаҳон эстрада оламида эллик йилдан ортиқ «Браво, Тина, браво!» олқишларини эшитиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шон-шавкат сурури, қийинлиги шу шуҳрат «юкини кўтариш, яна бир томони «ўз тингловчисини» топиш!

САИДА.

Ғаройиботлар

ҚАФТДАГИ ЧАҚАЛОҚ

БУДАПЕШТ. Дунёдаги энг кичик чақалоқнинг вазни 350 грамм!

Бу воқеа бундан 13 йил олдин рўй берганди. Мутахассислар беш ойлик, 128 кунда дунёга келган гўдакнинг яшашига аввалига унчалик ишонқирашмаганди. Ҳа, табиатнинг ўзи мўъжизакор. Гўдак омон қолди. Бизда бундайларни «телпак»да катта бўлган бола дейишади. Венгерлар эса «кафтда»ги чақалоқ дейишади. Бу бола ҳозир 13 ёшда, бўйи 175 см, вазни эса 82 кг!

Тенгдошлари орасида ўткир зеҳни билан ажралиб туради. Оғир атлетикачи!

— Магданинг бирданига вазни бунчалик тез ошишига узоқ йиллик парҳез сабабчи, — дейди онаси Яна Хавази. — Лекин парҳезни бас қилгандаям барибир назаримда семириб кетяпти. Ундан кўнглим тўқ, докторлар бу касаллик эмас, оғир атлетика, умуман, соғломликдан дейишяпти.

Магдани кўрган киши бир қарашда «кафтда»ги чақалоқлигига ишониш қийин. Ҳечам иккиланманг, лекин бу ўша «телпак»даги митти Магданинг ўзгинаси.

ЎН ОЛМАЛИК ПИРАМИДА

МЮНХЕН. Ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида жаҳон рекорди ўрнатилади. Унинг минг бир хили бор.

Мюнхенлик 12 яшарлик ўсмир ҳам дунёда биринчи бўлиб, «олмали пирамида» рекордини ўрнатди.

Ўсмир 10 та олмани бошига устма-уст тахлаб, пирамида ҳосил қилди. Пирамида эса 30 секунд «бўй кўрсатди!»

Туркистон — умумий уйимиз

АБАДИЯТ ОҚИНИ

Қозоқ адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайдиган машҳур сўз заргари — Жамбул Жабаевдир. У салкам бир аср яшаб, ўз ижод маҳсули билан қозоқ халқи ҳаётини, ютуқ ва зафарларини, меҳнат матонатини жўшиб куйлаб, ўзига бир умрлик ҳайкал қўйиб кетди. Халқлар дўстлиги, бахт-саодатини, адолатни, иноқликни ўз асарларининг асосий мавзусига айлантирган оқин ҳаётида икки даврни бошидан кечирди. Бири — қизиллар инқилобигача бўлган қозоқ халқининг турмуш-тарзини кўрса, иккинчиси — қизил империя давридаги ҳаётини ўз кўзи билан кўрди.

У инқилоб арафасида 70 ёшга тўлган нуроний кексалардан бўлиб, ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни кўриб, ўзининг ажойиб шеърий дурдоналарида халқлар дўстлиги ва биродарлигини куйлаб, жабр-зулмга, зўравонликка, кўр-кўрона адолатсизликка қарши турди.

Жамбул Жабаев 1846 йилнинг 28 февралида ҳозирги Жамбул вилоятига қарашли Жамбул тоғи бағрида, Кўктерак тумани камбағал оилада туғилади. Отаси Жапа уни ўқитиш мақсадида овул мулларига беради. Аммо бу Жамбул Жабаевга қўл келмайди. Ўқишни ташлаб, ўзича изланиб, қисса-достонларни ёд олади. Онаси Улдондан хилма-хил эртаклар, афсона, достонлар эшитиб, бир умр шеъриятга маҳлиё бўлади. Натижада қўлига дўмбира олиб, мол кетидан юриб ўланлар айтади, шеърлар тўқийди. Тўйларда, турли йиғин-маросимларда фаол иштирок этади. Эл орасида уни ёшлигиданоқ «Оқин бола» деб, ҳурмат билан тилга ола бошлашган.

У 15 ёшида қозоқ халқи орасида алоҳида донг таратган Суюнбой оқин билан учрашади ва унинг ўланларини эшитиб, ғоят маҳлиё бўлиб қолади. Суюнбой ҳам Жамбул ўланларини эшитиб, шеърларини тинглайди. Ёш шоир иқтидорига тан берган Суюнбой оқин Жамбулга «Ўғлим, ўланларинг яхши экан. Фақат адолатни айт, тенгликни куйла, шеърларинг тоғ сувидай мусаффо, ҳаётий бўлсин» дея оқ фотиҳа беради. Бундан илҳомланган оқин зўр-зўр ўлан шеърлар ярата бошлайди.

Жамбул Жабаев айниқса



«Минг бир кеча», «Шоҳнома» асарларидан баҳраманд бўлиб, ўзи ҳам «Алпомиш» «Гўрўғли», «Қўблонди ботир» асарларини ёд олиб, эл ичида мароқ билан куйлаб юрди. Асарларида халқ орасида бўлаётган тенгсизликни, адолатсизликни кескин танқид остига олиб, зўравонликка нафрат билан қарайди. Бу ўринда оқиннинг «Мирзобек бўлиснинг бошчилиги», «Камбағалнинг шўри», «Кашшоқ ҳикмати», «Қувғин», «Жанис оқинга», «Васият», «Ғазабли юрак қўшиғи», «Хон ва оқин», «Дангаса ҳақида эртак»-каби асарлари билан бирга мардликни, ботирликни мадҳ этувчи «Суронши ботир», «Ўтаган ботир» каби достонларини эслаш кифоядир.

Оқин ўзининг «Эл саломи» номли шеърида:

Тўйса тўйди томоғим,
Тўймаганда оч юрдим.
Йиллар ўтди меҳнатда,
Кўрган куним не азоб.
Халқ хор эди, дала тор.
Топилмади парча нон, —

дея халқнинг оғир аҳволини ачиниб куйлади.

Ҳаётда 99 ёшу 6 ой умр кечирган Жамбул Жабаев бутун умри давомида ўзининг бетакрор асарлари билан халқ юрагига кириб борди. Ҳаммани дўстлик, иноқликка чорлади. У бир қанча оқинлар билан айтишиб, ўзи ҳам ўзгаларга ўрнак бўладиган буюк оқин даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам Жамбул Жабаев ижодий фаолияти ҳақида фикр юритганимизда унинг ажойиб айтишув оқини эканлигини алоҳида эслаш билан бирга қозоқ адабиёти тарихида халқ оғзаки ижодининг буюк саркардаси эканлигини ҳам айтишимиз керак.

Хуллас, Жамбул Жабаев деганда кўз ўнгимизга қалби қайноқ шеърият султони, ажойиб шеърий дурдоналар яратган оқин, буюк бастакор кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шунинг учун Жамбул Жабаевни нафақат қозоқ халқ оқинлари, шоирлари балки қондош халқ ижодкорлари, шу жумладан, ўзбек шоирлари ҳам устоз сифатида тан олишган. Фозил Йўлдош ўғли ўзининг «Нишондор Жамбул» номли шеърида:

Қуввати кўп унинг сира
ҳоримас.
Тўқсондан ошса ҳам ёши,
қаримас.
Кўнгли — дарё, тўлиб-
тошар, тинч турмас.
Қариса-да ақли расо,
гул ҳавас.
Булут тўлқинидай чалқиб
маст бўлур,
Мавж уриб селдайин сўзи
қуйилар.

деб, алоҳида хурмат билан тилга олади.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти кенгаши раиси, «Нурли жол» газетаси Бош муҳаррири.

Жамбул ЖАБАЕВ

ВАТАННИ СЕВ

Балқитиб, бахт келганда элга, ерга,
Яшарган Жамбулман мен халқ-да бирга.
Дўст дийдори севинтирди, хушдир кўнглим,
Муҳаббат — тенглик дедим элу юртга!
Ёниб турган иссиқ юрак— кўнгил сеҳрим.
Ватанимга, дўстларимга, халқларимга
Тортиқ бўлар то ўлгунча шеърим— меҳрим!
Яшарган Жамбулда бор ёлғиз тирак,
Шодлигим қулф урмоқда, яшнаб тилак!
Тирагим — дўстларимнинг дийдоридир,
Ҳаётнинг лаззати шу, дейди юрак!
Шул юрак: «Эл бойлиги, дейди, бирлик»,
Бирликсиз бўлармикан ҳеч тириклик?!
Оламда бор одамнинг бахти учун
Пойдевор бўладиган — метин дўстлик!
Мен асрни қораладим, юзга келдим,
Эл бахтини талай йиллар излаб эдим.
Нур ёпиндим, қучдим ойни, қуёшни ҳам,
Қувват берди излаган, топганларим!
Урпоқларим, излаб келган ҳур авлодим,
Халққа қасддир — дўстлик шартин бузса ҳар ким.
Ҳилпирасин тинчлик туғи, дўстлик туғи,
Бир-бировга қучоғинг оч — васиятим!
Васиятим — халқингни сев, Ватанни сев,
Ватанини ардоқлаган одамни сев,
Эзгуликлар яратиб сенга берган
Шул бугунни бахтиёр замонни сев!

КУЛЁШ ҚИЗ

Қизим келди қошимга қизғалдоқдай,
Турибдими мен қарининг сўзи ёқмай?
Сени туққан онангдан айланайин,
Вужудингда нуқсон йўқдир бир ушоқдай!

Ёш эдик, тоғ қулатиб, сувдай тошдик,
Энди бугун охирги қирдан ошдик.
Тоғларда ботган қуёш шуъласидай,
Ўзиб кетиб қолибди асов ёшлик!

Қиз тугул, энди менга кампир қайда?
Шу кунлар соғ юрганим ўзи фойда!
Оқча юз, ўймоқ оғиз сулув билан
Учрашиб юрардим, воҳ, теран сойда!

Ўзбекчага Музаффар АҲМАД уйғунлаштиган.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухородa — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н.ЖАЛИЛ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21. 30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ХОТИРАГА АЙЛАНГАН КУНЛАР

Ёзги олимпиада ўйинлари якунланди

Назаримизда олимпиадани худди кеча кутаётгандекмиз. Ваҳоланки, у миллионлар қалбида ўчмас из қолдириб кетди. Яхшилик фурсат кутмайди, деганлари шу бўлса керак. Оз эмас, кўп эмас 17 кун давом этди асримизнинг сўнгги олимпиадаси. Шунча кунлар мобайнида бешта туташ ҳалқа рамзи бор оқ байроқ ҳилпираб, жаҳоннинг энг кучли ўғил-қизларини оқ кўнгиллик, холислик курашига даъват этиб турди. Учқуни қадимий Эллададан келтирилган машъала эса қизғин курашлар, мурооасиз баҳслар рамзи сифатида ловуллади. Бу сафарги олимпиаданинг яна бир жиҳати, иштирок этган мамлакатларнинг энг кўплиги — 197 тага етгани билан ажралади. 10 мингдан ортиқ марду майдон олимпиада масканларида жавлон урган бўлса, уларнинг 40 фоизидан ортиғини хотин-қизлар ташкил этгани ҳам мутахассислар эътиборини тортди.

Мусобақалар спортнинг 31 тури бўйича ташкил этилди. 1838 та медаль шодаси ғолибларни кутарди. Лекин ундан 604 та олтин медалнинг қанчасига ким эга бўлиши сўнгги кунлар аён бўлди. Бу сафар ҳам анъана бузилмади. Олимпиада ташкилотчилари бўлган мезбонлар ҳамиша норасмий ҳисобда биринчи бўлиб келишган. Умуман, АҚШ олимпиадачилари мусобақаларга ҳар жиҳатдан ҳозирлик кўришгани намоён бўлди. Улар 44 та олтин медаль олишди. Дастлабки чемпионларни берган Россия эса оралиқ маррадан кейин бироз бўшашиб жами 26 та олтин медаль билан қаноатланди. Германия терма жамоаси аксинча, олимпиада ўрталарида ўзини ўнглади. Улар «олтинлари»ни 20 тага етказиб, умум медаллар ҳисоби бўйича АҚШдан кейин 2-ўринни олишди.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими ҳам улкан спорт байрамига айланди. Бетакрор воқеалар, манзаралар, турли чиқишлар мухлисларни ром этди. Атланта олимпиадаси ташкилотчилари ҳар жиҳатдан тайёргарликни мухтасар бўлишига эришганлар. Буни олимпиаданинг тантанали ёпилишини эълон қилаётиб чин дилдан эътироф этган халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч алоҳида таъкидлади. Олимпиада ташкилий қўмитаси раиси Уильям Порторпейн кўксига олимпиада олтин медалини осиб қўйилиши ҳам қилинган катта меҳнат самарасидир. Тантанали ёпилиш маросимида улкан ўйингоҳ бўйлаб Греция, АҚШ ва Австралия байроқлари кўтарилди. Бунинг маъноси дастлабки олимпиада бундан 100 йил аввал Грецияда ўтказилган. 26- си Атлантада бўлиб ўтди. Навбатдагиси эса Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлади. Сидней шаҳар мэрига олимпиада байроғи рамзий равишда топширилди. Ўйингоҳ пештоқига ўрнатилган улкан экранда бўлажак олимпиада шаҳри ҳақида лавҳалар намойиш этилди. Мухлисларга мамнуният билан шуни маълум қиламизки, халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Х. Самаранч мустақил мамлакатимизга хайрихоҳ бўлиб турибди. У Атлантада вакилларимиз билан учрашув чоғида Тошкентга бориб, Мустақиллик байрами, теннис бўйича «Президент кубоги» учун мусобақани ҳамда «Олимпиада шуҳрати музейи»ни кўрмоқчи эканини изҳор этди.

Олимпиада мусобақалари қанчалик намунали ташкил этилмасин, унга зарар етказувчилар топилиши олимпиадалар тарихидан маълум. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Олимпиадачилар дам оладиган истироҳат боғида портлаш юз берди. Унга алоҳида тайёргарлик кўрилгани шундан аёнки, портлатиш учун энг қулай бўлган гавжум соатлар танланган. Оддий ва бурама михлардан тайёрланган бомбани одамлар айни қайтишга отланаётган тунги соатда ишга солинган. Натижада икки киши ҳалок бўлди. 110 киши ярадор. Олимпиадага модий ва маънавий зарар етди. Эртасигаёқ мамлакат Президенти Б. Клинтон террорчиликка қарши қатъий чора-тадбирлар белгилашга даъват этди.

Олимпиадачи бўлиш қийин, лекин шараф. Олимпиаданинг олтин медали энг оғир бўлса керак. Кўп нарсани омадга боғлашади. Тан олиш мумкин. Сабаби ҳар хил бўлади-ку барибир бахт кулиб боққан ютуқни олиб кетаверади. Боксчимиз Дилшод Ёрбеков билан худди шундай воқеа юз берди. У ярим финалга чиқиш учун мардларча курашди десак бўлади. Дилшод майдон эгаси Р. Верса билан тенг курашди. Ҳатто қўли ҳам баланд келиб турди. Фақат жанг охирида ўтказиб юборган бир зарб қимматга тушди. Ҳисоб 8:8 бўлиб қолди. Ҳакамлар ютуқни Версага беришни лойиқ топишди. Худди шундай воқеа россиялик Райимқул Маралбеков билан кубалик Орнонда Метос учрашувида юз берди. Ҳисоб 14:14, кубалик курашни давом эттирди.

Йирик мусобақаларда бундай воқеалар бўлиб туради. Умуман, боксчиларимизга умид боғлаган эдик. 7 спортчимиздан бешнафари астойдил баҳслашди. Наримон Отаев, Улуғбек Иброҳимов, Темур Иброҳимов бир-иккитадан ғалабага эришдилар. Зеро, кучлиларнинг кучлилари курашни давом эттирадилар. Ҳайтовур Карим Тўлаганов ярим финал юзини кўрди. Фақат финалга чиқа олмади. Бронза медалини қўлга киритди. Юртдошлар эришган ютуқлари ҳақидаги хушхабар эса олимпиаданинг бешинчи куниёқ мухлисларга қувонч бағишлаганди. Дзюдочимиз Армен Багдасаров кетмакет бешта ғалабадан кейин финалга чиқиб, астойдил маҳорат кўрсатди. Ғалабага бир баҳя қолганда ҳакамлар илғайдиган хатога йўл қўйиб, кумуш медаль билан кифояланишга мажбур бўлди. Унинг олтинга тенг бу медали шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

Умуман, 76 нафар вакилимиз спортнинг 13 тури бўйича астойдил баҳслашишга, имкониятларидан фойдаланишга интилишди. Ҳар қалай совринли ўринларни олишолмаган бўлсада, энг орқада ҳам қолиб кетишмади. Кураш, эшкак эшиш, оғир атлетика, гимнастика, енгил атлетика, сузиш турларида кучларимиз борлиги намоён бўлди. Юртбошимиз олимпиадачиларни Атланта сафари олдидан қабул қилганларида: «Сизларнинг... сафарингиз, олимпия ўйинларида иштирок этишингиз ўзи кифоя. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ўзбекистонлик учун катта фахр, ифтихордир». деган эдилар. На чора, олимпиада бу сафар спортчиларимиз учун катта сабоқ ва маҳорат мактабига айланди. Атланта олимпиадаси эса миллионлар қалбида унутилмас из қолдиргувсидир.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Кўнгил мулки

НИЯТ ЯРИМ ДАВЛАТДИР

Раҳматли момом «яхши ният қил болам, фаришталар омин дейди», «Ниятлаган нарсангни бировга берма», «Худодан яхши нарсаларни сўраб ният қилгин, чироғим» дердилар. Мен бу сўзларга у маҳаллар кўпам тушунавермасдим. Бугунга келиб гўри нурга тўлгур моможонимнинг пурҳикмат сўзларининг мағзини чақдим. Ният ортида тинч-тотув ҳаёт, фаровон турмуш, кўнгилхотиржамлиги, сир, сеҳр борлигини англадим.

Она қизининг сочларини ўриб бўлганидан сўнг елкасига қоқиб «сенга куёв, менга палов» дейди. Ёки янги кийимни эгнимизга солишдан аввал оёқларимиз билан тептириб «сен йиртил, сендан яхшисини кияй» дейишга мажбур қилишарди. Гарчанд янги куйлагимизни сира-сира йиртилишини истамасак ҳам шу сўзларни айтмагунимизча онамиз куйлакни эгнимизга солишга рухсат бермасди. Сочимизни қатиқ билан ювсак, «қошингни ҳам ювгин, қош мениям ювсин», ўсма қўйсалар, кел, сенгаям қўйиб қўяман, қош ўсма сувидан ичсайдим дея ўйлайди, дерди.

Дугонам кўнглини ёради: «Онам бемор бўлиб қолди. Дўхтирларга қаратдик. Бўлмади. Кейин бахши аёлни рози қилиш учун икки кийимлик мато бериш ниятим бор эди. Янгам «Ойқиз, менимча буларга рози бўлмас-ов. Келинг, шу оқ парчани ҳам берайлик. Онангиз яхши бўлсалар нарса топилаверади». Мен бу матони келин бўлсам оқ куйлак қилиб, кияман, деб ният қилувдим. Кўнгилга тугилган нарсани бировга бермайди, деб ҳам эшитгандим. Аммо ўша лаҳзаларда онамнинг соғлиги, тузалиб кетиши учун нарса экан, керак бўлса жонимни ҳам беришга тайёр эдим.

Ҳамма эркаликларимизни оналар кўтарар экан. Дарахтга чиқиб олиб «ҳозир йиқилиб кетаман, оёғим синади, кейин мени дўхтирга олиб борасиз» деб бақирсак ёхуд эртакларда ўқиганимиз, телевизорда кўрганимиз алвасти, жодугар кампирга ўхшаб эски кийимларни кийиб, юзимизга қоракуя суркаб, сочимизни тўзғитиб ўзимиздан кичик болаларни, укаларимизни қўрқитсак онамиз уришиб «Ҳаҳ, гапинг, ниятинг қурсин, болам. Бунақа гапларни айтмагин, ёмон бўлади» дея огоҳлантирарди.

Энди билсам момомиз, онамиз бизларни нафақат ёмон сўздан, ёмон ниятдан, балки ёмон хатти-ҳаракатдан ҳам асраган экан. Уларнинг биргина «ундай қилмагин, ёмон бўлади» деган сўзлари замирида катта маъно, улкан ҳақиқат мужассамлигини англаяпман.

Ойгул УБАЙДУЛЛО қизи.

Кулгудан олам яшаргай

Зуравон шеригига маслаҳат солди:

— Нима дейсан? «Қулга тушмас Джо» 100 доллар қарз сўраяпти. Берсаммикан?

— Албатта бер!

— Нега «албатта»!

— Чунки сен унга қарз бермасанг мендан сурайди-да!

***

Америкалик журналист машҳур «Қулга тушмас Джо»дан интервью оляпти. Суҳбат асносида зуравон икки оёғини стол устига чиқариб. чалиштириб олди. Сўнг бироз бепарда оҳангда деди:

— Ўтиришимга гапингиз келаяптими? Тарки одат—амри маҳол!

— Ҳа, йўғ-е, ҳечам ташвишланманг, — сиполик билан жавоб берди журналист. — Агар хоҳласангиз туртгала оёгингизни ҳам бемалол столга чиқариб олаверинг...

***

Зуравон мол дўхтирнинг ҳузурига келди.

— Доктор, уйқусизлик қийнаяпти. Тонгтача мижжа қоқмай чиқяпман. Нима қилай?

— Сиз хаёлан қўйларни санаб кўрдингизми?

— Кўрдим, фойдаси йўқ.

— Сизга унда-чи, ҳар бир қўй уз таржимаи ҳолини айтиб берсин-чи?

"ОСИЁ-ВОЛГА"

минтақалараро маркази

пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини

УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*



СОТАДИ.

Ҳақини рус рублида, қозоқ тенгесида ҳам тўлаш мумкин.

Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партиянинг Олий Маждисдаги фракцияси аъзоси, республика парламенти Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б. А. Наимовга онаси

МУҲАРРАМХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро Шароф Рашидов фонди раҳбарияти ва жамоаси Марказий кенгаш тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Ҳошим Мусаевга умр йўлдоши

МАҲПИРАТ аянинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меҳнат жамоаси концерн Бош таҳририяти кичик муҳаррири Гулнора Зокировага бобоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Илҳом ота ИНОҒОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.